

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил август ойининг 1 куни, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси “Ёшлик” МФЙ биносида, судья Б.Алиқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Мукумовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Очилов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ф.Бустинов, жабрланувчи Носиров Шохихажон Анвар ўғлининг иштирокида, судланувчи [REDACTED] га оид 1-2101-2501/249-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED])
[REDACTED] 2007 йил 1 апрелда Навоий шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келади, Навоий шаҳри “Ёшлик” маҳалласи “Меҳмондўст” кўчаси 16-уйда яшайди, унга нисбатан “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, иш бўйича айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 11 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган;

Суд, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED], 2025 йил 2 май куни соат 00:10да, Навоий шаҳридаги 23-сонли умумтаълим мактабининг ён томонида ўзи билан бир синфда ўқийдиган синфдоши Носиров Шохихажон Анвар ўғли билан ўзаро келишмовчилик туфайли келиб чиққан жанжал натижасида, тортишиб қолиб, Ш.Носировни қўли билан мушт уриб, қасддан ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у айна пайтда Навоий шаҳар 20-сонли мактабининг 11а-синфини тугатганлиги, бўш вақтларида спорт турининг “Эркин кураш” йўналиш билан шуғулланиб келиши, синфдоши Ш.Носиров билан муносабатлари яхши бўлганлиги, у ўқишдан бўш вақтларида сартарошлик билан ҳам шуғулланиб турганлиги сабабли, Ш.Носиров доим сочини олдириш учун уни олдига бориб турганлиги, 2025 йил 1 май куни Ш.Носиров унга 50.000 сўмни қаерга қўйганлигини эслай олмаётганлигини айтиб, ундан “Сен ҳазиллашиб олмаганмисан?” деб сўрагани, шунда у Ш.Носировга у олмаганлигини айтгани, сўнгра, Ш.Носиров унга кўнғироқ қилиб, ундан қаердалигини сўраб, гаплашиб олишини айтгани, Ш.Носиров унга Навбахор туманида эканлигини, бир неча соатдан сўнг боришини айтганлиги, шундан сўнг у



Навоий шаҳридаги “Лидер” кафесининг ён томонида жойлашган “Браун” сартарошхонасидан соат 23:00ларда ишларини тугатиб, Шохрух исмли шериги билан бирга чиқиб, Навоий шаҳар “Л.Толстой” кўчасидаги 16 қаватли уйларнинг олдига бориб, Ш.Носировга телефон қилиб, келганлигини айтганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, Ш.Носиров пастга тушганидан сўнг, улар Навоий шаҳридаги 21-сонли мактабнинг олдига боришгани, улар ўзаро гаплашиб ўтирган вақтида, у Ш.Носировга ундан узр сўраши кераклигини айтганида, Ш.Носиров унга қўлидан ҳеч нарса келмаслигини айтиб, уни итариб юборганлиги, шундан сўнг у Ш.Носировнинг юзига мушт туширганида, Ш.Носиров тўсатдан зарбадан хушидан кетгани ва бироздан сўнг хушига келганлиги, у атрофдаги дўкондан сув олиб бориб, Ш.Носировнинг юзига сепганлиги, Ш.Носиров хушига келганидан сўнг, дарҳол 103-рақамига қўнғироқ қилиб, тез тиббий ёрдамни чақирганлиги, шифокорлар бориб ўртоғи Ш.Носировни шифохонага олиб кетишгани, шундан сўнг у “Лидер” кафесининг ёнидаги ишхонасига бориб, пулини олиб шифохонага бормоқчи бўлганида, ишхонасига ИИБ ходимлари бориб, бўлган ҳолат ҳақида кўрсатма беришини айтиб, Навоий шаҳар ИИБ биносига олиб кетишгани, шунда у ИИБ ходимларига бўлган ҳолатни айтиб берганлиги, ота-онаси Ш.Носиров шифохонада ётган вақтида ҳар куни Ш.Носировнинг озиқ-овқати ва дори-дармонларини олиб беришгани, онаси унга қўнғироқ қилиб, Ш.Носировнинг аҳволи оғир эмаслигини айтганлиги учун Ш.Носировга қўнғироқ қилмаганлиги, ҳозирги кунга қадар унинг оила аъзолари Ш.Носировнинг соғлиғи учун операция харажатлари ва дори-дармонлари учун 40-50 миллион сўм атрофида сарф харажат қилишгани, бундан кейинги дори-дармонларига кетадиган харажатларини ҳам унинг ота-онаси ўзларининг зиммаларига олишгани, айбига иқрорлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлиги, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслиги, унинг ёшини инобатга олган ҳолда, уни кечириб, қонуний енгиллик берилишини сўради.

Жабрланувчи Ш.Носиров суд мажлисида, у 2023 йилдан буён Навоий шаҳридаги 20-сонли умумтаълим мактабида ўқиб, шу йили, яъни 2025 йилда мактабни тамомлаганлиги, ўқиш давомида ўзининг хулқи ва билими билан синфдошларига ўрناк бўлганлиги сабабли, 2021 йилдан буён синф сардори ва 20-сонли мактаб ёшлар етакчиси бўлиб ўқиб келганлиги, синфида 26 нафар ўқувчилар бўлиб, барча ўқувчилар мактабга келиб-кетишларида ва дарс машғулотларига қатнашишларида ҳаммалари айтганини қилиб келишгани, фақатгина бир ўқувчи [REDACTED] билан ўзаро келишмаганлиги сабабли ўрталарида бир неча маротаба оғзаки тортишувлар бўлиб турганлиги, 2025 йил 1 майдан 2 майга ўтар кечаси, [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, кўчада гаплашиб оладиган гапи борлигини айтиб, пастга тушишини сўраганлиги, у [REDACTED] га кўчада ишлари борлигини, вақти бўлиши билан чиқиб, гаплашиб олишини айтганлиги, шундан сўнг [REDACTED] унга тинимсиз қўнғироқ қилаверганлиги сабабли, у [REDACTED] га ишли рақамни кўтармай қўйганлиги, [REDACTED] унга бошқа бегона



рақамлардан қўнғироқ қилишни бошлаганлиги, шундан сўнг у кўчага чиқмаслигини айтганида, [REDACTED] уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишни бошлаганлиги, шундан сўнг у кўчага чиқишга мажбур бўлганлиги, [REDACTED] унга телеграмдан локация ташлаши кераклигини, қайси манзилда эканлигини сўраганида, у [REDACTED] га ўзи турган жойнинг “геолокация”сини ташлаб берганлиги, сўнгра онасига кўчада бир иши борлигини, овқатини сузиб қўйишини, тезда чиқишини айтиб пастга тушганида, [REDACTED] маст ҳолатда келганлигини кўрганлиги, [REDACTED] унга четроққа ўтиб гаплашиб олишларини айтганлиги, у [REDACTED] билан қурилиши тугалланмаган, “Хонсарой” уйлариинг орқа томонидан кетаётган вақтида, [REDACTED] уни тўхтаб гаплашиб олишлари кераклигини айтиб, қоронғуроқ жойга тўхтатганлиги, у ҳам [REDACTED] га кулоқ солиб ўтирган вақтида, [REDACTED] унга маст ҳолатда “Сени видео тасвирга оламан, сен видео тасвирга мендан узр сўраб гапирасан, қилган ишларинг учун” деб айтганида, у [REDACTED] га қараб кулиб, ҳеч қачон видео тасвирга тушмаслигини айтганлиги, шунда телефонига чалғиб пастга қараганида, [REDACTED] унинг юзига қўлини мушт қилган ҳолатда, кутилмаганда зарба берганлиги, у зарбадан ерга йиқилганлиги ва ҳушини йўқотганлиги сабабли, кейин нима бўлганлигини эслай олмаслиги, ҳушига келганида, шифохонада эканлигини билганлиги, [REDACTED] нинг отаси даволаниш харажатларини қоплаганлиги, [REDACTED] нинг отаси шифохонада ётган вақтида олдига бир неча маротаба келиб хабар олиб турганлиги, 2025 йил 12 майда Тошкент шаҳрига [REDACTED] нинг онаси билан биргаликда бориб, бурнини операция қилдирганлиги, операцияга кетган 27.000.000 сўм харажатларни ҳам [REDACTED] нинг онаси тўлаганлиги, бундан ташқари 6 кун давомида Тошкент шаҳридаги шифохонада даволаниш харажатларини ҳам тўлаб берганлиги, шундай бўлса-да, [REDACTED] унинг олдига келиб, бирор маротаба қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, кечирим сўрамаганлиги, унинг [REDACTED] га нисбатан даъвоси борлиги, [REDACTED] дан 40.000.000 сўм маънавий зарар ундириб беришни ва қонуний чора кўрилишини сўраб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўзини айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи Ш.Носировнинг суддаги кўрсатувлари, кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Хайруллаевнинг кўрсатувлари, “Е-Материал” электрон тизимидан 14676-рақам билан қайддан ўтган мурожаат юзасидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳужжатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, суд-тиббий экспертизаси хулосаси каби жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб,



уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи [REDACTED]нинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED]нинг жабрланувчининг соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED]га нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, жиноятини паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида деб эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 7-сонли, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли, 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорларининг тушунтиришларига, шунингдек, ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, амал қилиб, судланувчи [REDACTED]га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, қилмишнинг сабабларини, жабрланувчининг даъвоси борлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини назарда қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга



олган ҳолда, [REDACTED]нинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Навоий вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашларни юклашни, ЖКнинг 48¹-моддаси б-қисмига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлигини тушунтиришни;

иш бўйича рақамли далил - [REDACTED]га оид иш юзасидан тергов ҳаракатлари акс этирилган 1 бир дона “DVD-R” диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги боис, иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни;

жабрланувчи Ш.Носировга судланувчи [REDACTED]нинг жинойи қилмиши натижасида етказилган 40.000.000 сўм маънавий зарар, шунингдек, бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] ([REDACTED] [REDACTED]) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED]ни Навоий шаҳар “Ёшлик” маҳалласи “Меҳмондўст” кўчаси 16-уйдаги яшаш манзилдан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқиши чеклансин.

[REDACTED]га:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Навоий вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

[REDACTED]нинг хулқи устидан назорат олиб бориш Навоий шаҳар ИИБ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати, суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED]га нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин бекор қилинсин ва “гаров” эҳтиёт чораси предмети сифатида топширилган 10.000.000 (ўн миллион) сўм



миқдоридаги пуллар гаровга қўювчи Қанқатов Абдумажит Усмоновичга қайтарилсин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича рақамли далил – 1 (бир) дона “DVD-R” дисклар иш хужжатлари билан бирга сақлансин.

Жабрланувчи Ш.Носировга судланувчи █ нинг жиноий қилмиши натижасида етказилган 40.000.000 (қирқ миллион) сўм маънавий зарар, шунингдек, бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланган █ га ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шу суд орқали Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят ёки протест беришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Б.Аликулов

